Общ.

| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ |
|---|---|
| ҚАРОРИ | ҚАРАРЫ |
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |
| № 857 | «30» декабрь 2017 й.ж |

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги 251-сонли қарори тўғрисида”ги 243-сонли – қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2017 йил 9 августдаги 1004-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҚҚ-214-сонли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Сессиясининг 2017 йил 11 августдаги 151/XVII-сонли қарорига асосан Тахиатош тумани ташкил этилганлигини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги 251-сонли қарори ҳақида”ги 243-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 8 августдаги 243-сонли қарорининг 3-банди билан тасдиқланган “Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, шаҳар ва туманларга бириктирилган комиссия таркиблари”га 16-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHI * QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KEŃESI * UMUMIY BO'LIM ULIWMA BO'LIM

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2017 йил "30" декабрдаги
857-сонли қарорига
илова

**Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишларининг белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш комиссиясининг таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| А.Аманов | - | Тахиатош тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, **комиссия раиси** |
| Р.Усманов | - | Тахиатош тумани Ер ресурслар ва давлат кадастри бўлим бошлиғи в.в.б. |
| Д.Йўлдашев | - | Тахиатош тумани бош архитектори в.в.б. |
| С.Ерниязов | - | Тахиатош тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи |
| Д.Пайзуллаев | - | Тахиатош тумани Давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокори |
| Т.Жадигеров | - | Тахиатош тумани Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспектори |
| С.Сариев | - | Тахиатош тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи |

***Изоҳ:*** *Комиссияларнинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHI
QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KENESI
UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM